



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

2025 йил — АТРОФ-МУҲИТНИ АСРАШ ВА «ЯШИЛ» ИҚТИСОДИЁТ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2025 йил 22 июль, № 148 (9043)

Сешанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



НЕФТЬ-ГАЗ СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАР ВА КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК БЎЙИЧА АХБОРОТ БЕРИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 21 июль куни нефть-газ соҳасида хорижий ҳамкорлар билан амалга оширилаётган ишлар ҳамда куз-қиш мавсумига тайёргарлик чора-тадбирларига оид тақдимот билан танишди.

Мамлакатимизда ўсиб бораётган талабга мос равишда энергетика изчил ривожлантирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг хорижий ташрифлари ва улар доирасида ўтган бизнес форумлари натижасида кўплаб лойиҳалар амалга ошмоқда.

Жумладан, Озарбайжоннинг “Socar” компанияси билан Устюртдаги конларда қидирув ўтказиб, нефть қазиб олиш бўйича келишувга эришилган. Биргаликда истиқболли майдонларда геология-қидирув ишларини олиб бориш режалаштирилган.

Шунингдек, бошқа хорижий давлатлар билан мураккаб конларни ўзлаштириш, соҳани рақамлаштириш, талаб юқори бўлган мутахассисларни тайёрлаш каби муҳим йўналишларда ҳамкорлик қилинмоқда.

Тақдимотда мутасаддилар шерикликдаги ишларнинг бориши ва галдаги режалар юзасида ахборот берди.

Президентимиз истиқболли майдонлар бўйича аниқ лойиҳаларни шакллантириш, геология-қидирув ишларида тайёр махсулот олишга бўлган тўлиқ занжири йўлга қўйиш юзасида кўрсатмалар берди.

Шу билан бирга, амалдаги хорижий ва қўшма корхоналарда янги бургилаш усулларини қўллаш, қудуқларнинг самарадорлигини ошириш орқали нефть ва газ ҳажмини кўпайтириш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда куз-қиш мавсумига тайёргарлик масалалари ҳам кўриб чиқилди. Мутасаддилар бунинг учун етарли энергия ишлаб чиқариш, газ омборларида жамғариш ва мувозанатли етказиб бериш чоралари қўрилаётгани тўғрисида ахборот берди.

Хусусан, Таллимаржон иссиқлик электр станциясида 1 минг 65 мегаваттлик иккита буғ-газ қурилмаси, Сирдарёда 1 минг 573 мегаваттлик иссиқлик электр станцияси барпо этилмоқда. Уларнинг жами қуввати йилга 20 миллиард киловатт-соат бўлади.

Шунингдек, бу йил Тошкент, Наманган, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида жами 162 мегаваттлик янги гидроэлектр станциялар ишга туширилди. Уларда йилга 648 миллион киловатт-соат электр ишлаб чиқарилади. Булар, аввало, халқимиз эҳтиёжи ва ўсиб бораётган иқтисодиёт учун қўшимча қувват бўлади.

Айни пайтда тегишли тармоқ ва подстанцияларни таъмирлаш ишлари ҳам бошланган. Иссиқлик станциялари барқарор ишлаши учун зарур ёқилғи, бутловчи ва эҳтиёт қисмлар захиралари шакллантирилмоқда.

Йиғилишда соҳа инфратузилмасини изчил модернизация қилиб, энергия етказиб бериш узлуқсизлигини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИОРЛАР КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАГИ МАЖЛИСИ ДОИРАСИДА ЭРИШИЛГАН КЕЛИШУВЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

2025 йил 11 июнь куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлиси доирасида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида қарор қиланган:

I. Илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни тизимли амалга ошириш

1. Куйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг учинчи ялпи мажлисида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларни амалга ошириш бўйича ҳаракатлар режаси 1-иловага мувофиқ;

б) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши Ўзбекистон томонининг янгиланган таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

и) Бунда Хорижий инвесторлар кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш)га унинг ҳузурида йўналишлар бўйича ишчи гуруҳлар ташкил қилиш ҳамда уларнинг таркибига вазирлик ва идоралар раҳбарлари (ҳодимлари)ни жалб қилиш ҳуқуқи берилсин.

II. Кенгаш қотибияти ва ишчи гуруҳлар фаолиятини тақомиллаштириш

2. Кенгаш аъзолари ва халқаро молия институтларининг қуйидаги таклифларига розилик берилсин:

а) Кенгаш қотибиятини нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида ташкил этиш ҳамда унинг аъзолигига халқаро молия институтларини ҳам жалб қилиш;

б) Кенгаш қотибияти томонидан хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри ишлаш орқали мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, шунингдек, лойиҳаларни амалга ошириш учун инвестиция маблағларини жалб қилишга кўмаклашиш;

в) Кенгашнинг давлат органлари ва ташкилотлари билан боғлиқ фаолиятини Кенгаш қотибияти томонидан мувофиқлаштириш, шунингдек, Кенгаш мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш, шунингдек, Кенгаш мажлисларида муҳокама қилинадиган масалаларнинг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

г) Кенгаш қотибияти ҳамда ишчи гуруҳларнинг фаолияти натижалари ҳақида ҳар чорак якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига ахборот киритиб бориш.

3. Куйидагилар Ишчи гуруҳларнинг вазифалари этиб белгилансин:

а) ҳар ойда Кенгаш қотибияти билан ҳамкорликда мазкур қарорга 1-иловада келтирилган ҳаракатлар режаси доирасида амалга оширилган ишлар юзасидан муҳокамалар ўтказиб бориш;

б) инвестиция муҳитини яхшилаш юзасидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш.

III. “Ягона инвестиция платформаси” ахборот тизимини жорий қилиш

4. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, устав фонди (устав капитали)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган ташкилотлар раҳбарлари:

а) “Ягона инвестиция платформаси” ахборот тизими билан интеграция қилинадиган ахборот тизимлари рўйхатига асосан интеграция қилиш ишларини графика мувофиқ якунлашга;

б) “Ягона инвестиция платформаси” ахборот тизимига манзилли ва истиқболли лойиҳаларни Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги томонидан тасдиқланган шақлга мувофиқ киритишга шахсан масъул ва жавобгар этиб белгилансин.

5. Бош вазир ўринбосари Ж.А.Ходжаев бир ҳафта мuddатда аниқ мuddат ва масъулларни белгиланган ҳолда давлат хизматлари кўрсатиладиган

ахборот тизимларини “Ягона инвестиция платформаси” ахборот тизими билан интеграция қилиш механизмлари ва графигини тасдиқласин.

IV. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

6. Республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва ҳўжалик бирлашмалари мазкур қарорга 1-иловадаги ҳаракатлар режасида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг белгиланган мuddатларда самарали, сўзсиз, сифатли ва тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президенти вакили А.Ю.Магмуров, Бош вазир ўринбосарлари Ж.А.Ходжаев, Ж.А.Қўчқоров ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги:

а) Кенгашнинг учинчи ялпи мажлиси давомида илгари сурилган таклиф ва ташаббусларнинг ўз вақтида ва сифатли баҳарлилиги устидан мунтазам ва тизимли мониторинг ҳамда қатъий назорат олиб бориш;

б) ушбу қарорга 1-иловада келтирилган ҳаракатлар режасининг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича масъул вазирлик ва идоралар фаолиятини мувофиқлаштирсин, ҳар чорак якунида ҳисоботларини танқидий муҳокама қилиб бориш, шунингдек, чора-тадбирларнинг ижросига тўсқинлик қилувчи салбий омилларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,
2025 йил 18 июль

Мамлакатимиз мустақиллигининг 34 йиллигига

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ

Ўтаётган ҳар бир кунимиз бизни тобора энг улуг, энг азиз байрам — мустақиллигимизнинг 34 йиллигига яқинлаштирмоқда. Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра бу йилги шодиёналар “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шиори остида ўтказилиши белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, истиқлол юртдошларимиз учун ўз тақдирининг ҳақиқий эгаси бўлиши, кадр-қимматини англаши, муносиб ҳаёт кечириши, юртимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо қилиши каби кенг имкониятларни туҳфа этди. Мустақиллик туфайли юртимизда инсон қадрини юксалтириш ҳамда аҳолининг фаровон турмуш кечиришини таъминлаш давлатнинг энг устувор вазифасига айланди.

Ўтган йиллар давомида бу борада қатор ислохотлар амалга оширилди.

Аввало, шуни қайд этиш лозимки, юртимиздаги ижобий ўзгаришларнинг асосини “Инсон қадри учун” тамойили ташкил қилмоқда. Жумладан, янги таҳрирдаги Конституциянинг 1-моддасида ҳам “Ўзбекистон — ижтимоий давлат” эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Зеро, “инсон қадри” тушунчаси “ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу гоёнинг туб негизида, аввало, инсон қадрини улуғлаш, инсонга хизмат қилишдек олийжаноб мақсад ётади.

Инсонни инсон сифатида эъзозлаш учун дастлаб унинг ҳуқуқларини мус-

таҳкам ҳимоялаш лозим. Шу нуқтаи назардан, инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, унинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ички сиёсатнинг асосий устувор йўналишига айланди. Хусусан, сўнгги йилларда мамлакатимизда “Инсон қадри учун” тамойилини тўла рўёбга чиқариш ҳамда инсоннинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати, қонуний эҳтиёжлари ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш давлат сиёсатининг бош масаласига айланди.

Янгиланаётган ва учинчи Ренессансга қадам қўётган янги Ўзбекистонни таълим-тарбия, илм-фансиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатимиз раҳбари 2020 йилда Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида таълим-тарбия тизими ҳақида сўз юритиб “Янги Ўзбекистон — мактаб остонасида, таълим-тарбия тизимидан бошланади” деган концептуал гоёни илгари сурган эди.

Мазкур гоё асосида мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий ҳаракатга айланди, таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилишга жуда катта эътибор қаратилди.



ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ХИЗМАТЛАР ҲАЖМИ 8,9 ФОИЗ ЎСДИ



- Мамлакатимизда 2025 йилнинг январь — май ойларида таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми **14,7 триллион сўм**ни ташкил этди. Бу кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг **4 фоизига** тенгдир;
- Миллий статистика қўмитаси маълумотларига қараганда, таълим соҳасидаги хизматлар ҳажми 2024 йилнинг мос давридагига қиёсланганда, **8,9 фоиз** ўсишга эришилган;
- бу турдаги хизматларнинг умумий ҳажмида олий таълимнинг улуши устунлик қилмоқда. Биргина жорий йилнинг дастлабки **5 ойи**даги ҳиссаси **49,2** фоизни ташкил этгани бунинг яққол тасдиғидир.

Факт ва рақамлар

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Орал Атиянқозова Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа минтақасида юқумли бўлмаган касалликларнинг олдини олиш ва кексаяётган аҳоли саломатлигини сақлаш учун тизимли фикрлаш ва инновацияларга бағишланган семинарида иштирок этди.

Семинар

Франциянинг Ницца шаҳрида бўлиб ўтган тадбир ЖССТнинг Европа минтақавий бюроси томонидан етакчи халқаро университетлар ва жамоат саломатлиги соҳасидаги экспертлар кўмагида уюштирилди. Унинг асосий мақсади ЖССТнинг соғлом узок умр кўриш бўйича комплекс

лаётган ислохотлар ўзининг юксак натижаларини бераётгани, хусусан, кекса авлод вакилларининг саломатлиги масаласига алоҳида эътибор қаратилаётгани ургуланди.

Анжуманда аҳоли сонининг жадвал ўсиши ва кекса ёшдаги фуқаролар улушининг кўпайишига эътибор қаратилди, соғлом бўлиш ҳамда узок умр кўришни тарғиб қилиш бўйича ЖССТ ташаббуси юксак аҳамиятга эга экани ва долзарблиги қайд этилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий ва халқаро дастурлар доирасида Ўзбекистоннинг ЖССТ билан кўп йиллик ва самарали ҳамкорлиги муҳимлиги таъкидланди.

«Халқ сўзи».

ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ

Мустақиллик — миллий ўзлиқни англаш, инсон қадрини юксалтириш, жамиятда адолат, тенглик ва шафқофликни қарор топтириш учун зарур бўлган тарихий имконият. Бу қадриятлар сўнгги йилларда давлат сиёсатида энг устувор йўналишга айланди.

Мушоҳада

Ҳақиқатан ҳам, сўнгги йилларда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотлар миллий давлатчиликни мустаҳкамлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш сингари устувор мақсадларга хизмат қилмоқда. Бу жараёнда замонавий давлат барпо этишга қаратилган модернизацион парадигма, сиёсий ирода ва давлат-жамият ўртасидаги

янги ижтимоий шартнома тамойиллари муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, Президент Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган “Инсон қадри учун” тамойили давлат сиёсатининг марказига айланинган инсон манфаатларини қўйишни назарда тутди. Бу “қадриятларга асосланган бошқарув” моделининг миллий варианты бўлиб, ҳар бир ислохот инсон ҳаётини яхшилашга хизмат қилиши лозимлигини белгилайдигани.



Сиёсий партиялар фракцияларида

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ ВА ҚАТЪИЙ НОРМАЛАР

Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг йиғилишлари бўлиб ўтди. Уларда дастлаб давлатимиз раҳбарининг “Мўғулистонга олий даражадаги ташриф давомида қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат соҳаларида эришилган келишувларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди. Ўзбекистон ва Мўғулистон ўртасида 2025-2026 йилларда қишлоқ ҳўжалиги ва озиқ-овқат йўналишларида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг асосий кўрсаткичлари қайд этилиб, фракциялар олдида турган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Йиғилишларда қуйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган долзарб масалалар атрофида кўриб чиқилди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилиниши баробарида, Марказий банк раисига парламент сўровини юбориш масаласи ҳам атрофлича кўриб чиқилди.

“Банкларни трансформациялаш жараёнини тезлаштириш борасида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида”-ги мазкур сўровда давлат улуши мавжуд бўлган тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш, уларнинг қимматли қоғозларини “ИРО”га чиқариш, банк ишининг замонавий стандартларини, ахборот технологияларини ва дастурий махсулотларни жорий этиш, соҳага тажрибали хорижий мутахассисларни жалб қилиш каби масалалар бўйича рўёбга чиқарилаётган савйи-ҳаракатлар тўғрисида маълумот бериш сўралган.



Сенат қўмиталарида

ЎЗБЕКИСТОН — БЕЛАРУСЬ АЁЛЛАРИ БИЗНЕС ФОРУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ КўРИБ ЧИҚИЛДИ

Шу йил 28-29 август кунлари Витебск шаҳрида учинчи Беларусь — Ўзбекистон аёллари бизнес форуми ўтказилди.

Форум Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республикаси Кенгаши Раиси Наталья Кочанова ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева ташаббуси билан ташкил этилмоқда.

Шу муносабат билан Беларусь Республикаси Миллий Мажлиси Республикаси Кенгашининг Халқаро алоқалар ва миллий хавфсизлик бўйича доимий комиссияси

раиси Сергей Алейник ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Халқаро муносабатлар, ташқи иқтисодий алоқалар, хорижий инвестициялар ва туризм масалалари қўмитаси раиси Алишер Аъзам-хўжаев бошчилигида бизнес-форумни юқори савияда ташкил этишга бағишланган ишчи гуруҳ йиғилиши бўлиб ўтди.





ЎЗБЕКИСТОН – БЕЛАРУСЬ АЁЛЛАРИ БИЗНЕС ФОРУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Унда форумга тайёргарлик кўриш масалалари батафсил муҳокама қилинди. Томонлар ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш борасидаги қатъий позициясини яна бир бор тасдиқлади.

Шунингдек, парламентлараро муносабатларни изчил давом эттириш, йўлга қўйилган мулоқотни самарали платформалар орқали ривожлантириш муҳимлиги таъкидланди.

Маълумки, аввалги 2 та бизнес-форум самарали натижалар билан яқунланган. Бўла-жақ тадбир ҳам ўзаро манфаатли шерикликни янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди.

Учинчи форум доирасида икки мамлакат аёл тадбиркорлари иштирокида иқтисодий-нинг турли соҳаларига оид мавзуларда бир қатор секция йиғилишлари ўтказилиши режалаштирилган.

Форум иштирокчилари ўзаро тажриба алмашиш, янги ҳалқорлар излаш, истиқболли лойиҳаларни илгари суриш, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш имкониятига эга бўлади.

Шу билан бирга, тадбир доирасида икки мамлакат ишбилармон доиралари ва аёл тадбиркорлари ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш, ёшлар парламентлари томонидан қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек, устувор иқтисодий соҳаларда истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш бўйича келишувлар имзоланиши назарда тутилмоқда.

«Халқ сўзи».

НИЗОЛАРНИ МУҚОБИЛ ҲАЛ ЭТИШ ЙЎЛИДА ЯНА БИР ҚАДАМ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Сенаторлар, маҳаллий Кенгашлар доимий комиссиялари раислари, Ёшлар парламенти ҳамда қўмита ҳузуридаги экспертлар гуруҳи аъзолари, қонун ташаббускорлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар вакиллари иштирок этган ушбу йиғилишда «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига низоларни муқобил ҳал этишда медиация институтини тақомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун муҳокамага тортилди.

Мазкур жараёнда катнашадиган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг вақт ҳамда маблағларини тежаш, турли қоғозбозликларнинг олдини олиш, низоларни тарафларнинг ярашувига асосан тинч йўл билан ҳал этиш доирасида ҳуқуқ институтлари, хусусан, медиация институти ва ҳақамлик судлари томонидан низоларни судгача ҳал қилиш амалиёти йўлга қўйилганини таъкидлади.

Жумладан, 2019 йилда имзоланган «Медиация тўғрисида»ги Қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 июндаги «Низоларни муқобил ҳал этишнинг механизмларини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борада янги босқични бошлаб берганлиги айтилди.

Мазкур қонун ҳам соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида ишлаб чиқилиб, у билан «Медиация тўғрисида»ги, «Нотариат тўғрисида»ги, «Давлат божи тўғрисида»ги, «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги қонунлар, шунингдек, Фуқаролик процессуал, Иқтисодий процессуал, Солиқ, Оила кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонун билан медиация тартиб-таомилларидан фойдаланган ҳолда низоларни муқобил ҳал этиш механизмларидан бири сифатида рағбатлантирувчи нормалар, медиаторларга қўйиладиган талаблар ва медиатив келишувларни ижро этиш қоидалари белгиланяпти.

Сенаторлар ушбу қонуннинг қабул қилиниши низоларни судгача ҳал этиш механизмларининг амалиётда самарали ишлашини таъминлашга, медиация соҳасининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш орқали судлар иш юк-ламасини камайитиришга, шунингдек, Ўзбекистоннинг бизнес юритиш соҳасидаги халқаро рейтингдаги мавқеини ва инвестиция имижини халқаро даражада юксалтиришга хизмат қилишини таъкидлади.

Мажлис якунида кўриб чиқилган масалалар бўйича қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ УЧУН ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ



Бундан ташқари, мустақиллик туфайли мамлакатимиз халқаро ҳуқуқнинг тўлақонли субъектига айланди. Бугун Ўзбекистоннинг жаҳон сиёсий майдонида ўз ўрни ва овози бор. Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятнинг тенг ва тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида БМТ, ШХТ, МДХ, ЕҲТ ва ИҲТ каби нуфузли халқаро тузилмалар фаолиятида фаол иштирок этиб келмоқда. Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, айнан

мамлакатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати туфайли Марказий Осиё минтақаси яхлит организм сифатида қайта ривожланмоқда. Минтақа қиёфаси ва имижига тубдан ўзгариб, давлатлар ўртасида ўзаро ишонч ҳамда ҳамкорликка асосланган мутлақо янги муҳит шаклланди.

Ватанимиз мустақиллиги халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаши, эркин тафаккур асосида яшаш, миллий ва умумбашарий қад-

риятларга таяниб иш кўриш каби жиҳатларга асосланади. Бу эса, ўз навбатида, халқимизни янги Ўзбекистонни барпо этишдек олий мақсад йўлида бирлаштириб, янги ютуқ ва марралар сари етаклаши, шубҳасиз.

Соҳибжон ТУРДИЕВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология
қўмитаси аъзоси.

ИЖТИМОЙ ФАРОВОНЛИК КАФОЛАТИ



Ушбу тарихий даврда мамлакатимизнинг изчил ривожланишига қаратилган муҳим стратегиялар ва мақсадли кўрсаткичларнинг қабул қилиниши жамиятнинг босқичма-босқич тараққий этишини таъминлашга хизмат қилди.

Бу ислохотларнинг сиёсий-ҳуқуқий пойдевори янги таҳирдаги Конституциямиз орқали янада мустаҳкамланди. «Ижтимоий давлат» тамойилини ўз ичига олган мазкур Асосий Қонун давлатнинг инсон ҳуқуқларини таъминлашдаги фаол ролини белгилаб берди. Бу конституциявий ўзгариш халқаро экспертлар томонидан ҳам ижобий баҳоланди.

Ўтган давр мобайнида Ўзбекистонда давлат бошқаруви тизими ҳам тубдан трансформация қилинди. Парламент фаоллигининг ортиши, сўз ва матбуот эркинлигининг кенгайиши, давлат хизматчилари фаолиятида жамоатчилик назоратини кучайтириш борасида амалга оширилаётган чоралар мамлакатда демократик институтларни мустаҳкамлашга асос бўлди.

Сиёсий барқарорлик ва ҳуқуқий кафолатлар тадбиркорлик муҳитини яхшилашга замин яратди. Жумладан, 2024 йилда ЯИМда кичик бизнес улуши 54,3 фоизни ташкил этди. Зеро, ишбилармонлар учун лицензиялаш жараёниларини рақамлаштирилиши, солиқ имтиёзлари ва кредит ресурсларига етарли даражада эга бўлиш имконияти — хусусий секторни кенгайтиришга хизмат қилмоқда. Бунинг натижасида Ўзбекистон бугунги кунда миллий брендлар рейтингида йилдан-йилга юқорилаб борапти.

Энг муҳими, замонавий дав-

лат бошқарувининг инсон манфаатларига йўналтирилиши натижасида мамлакатда яшаш сифати, ижтимоий барқарорлик ҳамда фуқароларнинг ҳаётдан қониқиб қараши даражаси ошмоқда. Халқнинг эҳтиёж ва интилишларига мос сиёсий қарорлар қабул қилиниши, жамиятда адолат ва тенглик тамойилларининг амалда таъминланиши демократик тараққиётнинг асосий кўрсаткичларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шу орқали «инсон — жамият — давлат» тамойили фақат шиор эмас, балки амалиётда самарали фаолиятнинг мезонига айланыпти.

Буни Давлат бюджети сиёсатида ҳам яққол кузатиш мумкин. Охириги йилларда Давлат бюджети тузилишида ижтимоий йўналишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, ҳар йили бюджет ҳаражатларининг 50 фоиздан ортиги ижтимоий соҳалар — таълим, соғлиқни сақлаш, уй-жой, аҳоли бандлиги ва камбағалликни қисқартириш каби йўналишларга ажратилди. Бу, ўз навбатида, инсон капиталини ривожлантириш, жамиятдаги ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилмоқда.

Ажратилаётган нафақалар, субсидиялар, энергия тўловлари бўйича компенсациялар, меҳнат бозорида қайта тайёрлаш ва микрокредитлаш каби комплекс ёндашувлар фуқароларнинг даромадларини мустаҳкамламоқда. Бундан ташқари, охириги йилларда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини аниқлашда рақамли тизимлар асосида индивидуал баҳолаш усуллари жорий этилиб, ижтимоий ҳимоянинг манзилли модели қўлланиляпти. Айниқса, «темир дафтар», «аёллар дафта-

ри» ва «ёшлар дафтари» орқали аҳолининг аниқ гуруҳлари бўйича давлат ёрдамнинг шаффоф ва манзилли тақсимланиши таъминланмоқда. Мана шу дастурлар ёрдамида камбағаллик даражаси 2021 йилдаги 17 фоиздан 2024 йилда 9,4 фоизга туширилди ва эҳтиёжманд аҳолининг сезиларли қисми тадбиркорликни бошлади.

Бинобарин, ижтимоий давлат — бу фақат қонун устуворлиги ва тенгликни таъминлайдиган эмас, балки фуқароларнинг ижтимоий фаровонлигини кафолатлашга масъул бўлган давлат шаклидир. Яъни давлатнинг вазифалари нафақат тартиб ва қонунийликни таъминлаш, балки аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш, тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий адолатни қарор топтириш каби фаол ижтимоий сиёсат юритишни ўз ичига олади.

Шуни алоҳида қайд этиш керак, ислохотлар таълим соҳасида ҳам янги босқичга кўтарилди. Янги университетлар ва хорижий олийгоҳлар филиалларининг очилиши, STEM таълимга йўналтирилган махсус мактаблар, жаҳон университетлари билан ҳамкорликдаги қўшма

Бугунги кунда Ўзбекистон сиёсий ва ҳуқуқий моделини халқаро амалиёт асосида янгиланмоқда. Давлат бошқарувида рақамли технологиялар, очик маълумотлар тизими, натижага йўналтирилган бошқарув (Results-Based Management) каби муҳим ёндашувлар кенг жорий этилмоқда. Буларнинг барчаси аҳолига хизмат кўрсатишда самарадорлик ва шаффофликни таъминлашга қаратилган. Айниқса, 2017 йилдан бошланган ислохотлар миқёси, мазмуни ва мантиқий давомийлиги жиҳатидан Ўзбекистоннинг янгиланаётган сиёсий-иқтисодий портретини шакллантирди. Унда инсон қади ва ҳуқуқлари устувор қадрият сифатида кенг намоён бўлаётгани эътиборга молик, албатта.

Наримон УМАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИ ИФОДАСИ ВА ҚАТЪИЙ НОРМАЛАР



Депутатлар масаланинг долзарблигига эътибор қаратиб, банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш, аҳоли ва кичик бизнес учун масофавий хизматларни ҳамда ахборот технологияларини банк тизимига кенг жорий қилиш, молиявий хизматлар оммабоплигини ва сифатини ошириш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш юзасидан ўдаланаётган ишлар бўйича ҳисобот тақдим этилиши айни вақтда муҳимлигини айтади.

Тижорат банклари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга имтиёзли кредит ажратишда коррупция омилларини бартараф этиш, шу жумладан, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омилни чеклаш, бу борада рақамлаштириш жараёнини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳам ахборот берилиши кўзда тутилаётганини қўллаб-қувватлади.

«Миллий тикланиш» демократик партияси фракцияси йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғилишда сўнгги пайтларда портатив лазерли нур тарқаткичларни мамлакатимизга қонунга ҳилоф равишда олиб кириш ва улардан фойдаланиш ҳолатлари кўпайгани, бу эса фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, ҳаво кемалари парвозларининг хавфсизлигига, жамоат тартибига юқори даражада таҳдид туғдираётгани таъкидланди.

Бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилган қонун лойиҳасида портатив лазерли нур тарқаткичларнинг муомаласини тартибга солиш, шунингдек, уларнинг қонунга ҳилоф муомаласи учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилган.

Депутатлар томонидан ушбу қонун лойиҳаси долзарблиги қайд этилган ҳолда, бир қатор аниқлаштирувчи саволлар берилди.

Фракция аъзолари ушбу қонун лойиҳаси портатив лазерли нур тарқаткичларнинг муомаласи соҳасида давлат назорати ва таъсир чораларининг самарадорлигини ошириш, ушбу йўналишдаги ҳуқуқбузарлик-

ларнинг олдини олиш ҳамда ундан жабрланиш ҳолатларини бартараф этишга қаратилганини таъкидлаб, уни қўллаб-қувватлади.

Фракция йиғилишида, шунингдек, ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибини янада тақомиллаштиришга оид қонун лойиҳаси ҳам қизгин муҳокама қилиниб, уни тақомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар берилди.

«Асодият» социал-демократик партияси фракцияси йиғилишида ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибини янада тақомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.



Бу билан соддалаштирилган тартибда ижро этиладиган ижро ишлари тоифаси кенгайтирилмоқда. Хусусан, эндиликда видеоконференц-алоқа ҳаражатларини, суд буйруғига асосан коммунал ёки алоқа хизматлари тўлови юзасидан қарздорликни, кўп квартирили уйлар мулкдорларининг мажбурий бадалларини ёки тўловлар бўйича қарздорликни, шунингдек, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан кўп бўлмаган миқдордаги ижро ҳужжат-

ларини соддалаштирилган тартибда ижро этиш назарда тутилмоқда.

Муҳокама давомида депутатлар айрим нормалар юзасидан аниқлаштирувчи саволлар берди. Мутасаддилар эса саволларга батафсил жавоб қайтарди.

— Партиямиз Сайловолди платформасида давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилни қисқартириш орқали хизматларни автомат шаклга ўтказиш, проактив хизматларни кенгайтириш ва аҳолига қўлайликлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада юқори босқичга олиб чиқишга қаратилган гояларимиз мавжуд, — деди фрак-

хаси қизгин муҳокамага сабаб бўлди.

Мазкур қонун лойиҳаси билан «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида»ги Қонуннинг 43-моддаси иккинчи қисмига ижро ишини юритишнинг соддалаштирилган тартибини суд буйруғига асосан коммунал ёки алоқа хизматлари тўлови юзасидан қарздорликни ҳамда кўп квартирили уйлар мулкдорларининг мажбурий бадаллари ёки тўловлар бўйича қарздорликни ундиришга ҳам татбиқ қилишни назарда тутувчи қўшимча киритиш тақлиф этилмоқда.

Фракциянинг бир қатор аъзолари қонун лойиҳасида ундирувчи қарздор жисмоний шахснинг банклардаги ҳисоббаракларида турган пул маблағларига, иш ҳақи, стипендияси, пенсияси ва бошқа турдаги даромадларига қаратиш орқали амалга ошириш назарда тутилаётгани, бу даромади, асосан, иш ҳақи ёки пенсиядан бўлган Халқ демократик партияси электорати манфаатларига, шунингдек, партиянинг сиёсий позициясига тўғри келмаслигини билдирди.

Депутат Зулайхо Ақромованинг фикрига кўра, бундай амалиёт қарздорларнинг, айниқса, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг ҳуқуқлари чекланишига олиб келиши мумкин.

Фракциянинг яна бир аъзоси Қизилгул Қосимова эса қонун лойиҳаси ижро ишларини рақамлаштириш ва тезлаштириш мақсадида тузилган бўлса-да, аҳолининг ҳуқуқий ҳимоя даражаси пасайиши мумкинлигидан хавотирини билдирди.

Депутат Анвархон Темиров фракциядошлари томонидан кўтарилаётган масалалар қонун лойиҳаси концепциясига тўғри келмаслигини, аксинча, унда аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соҳани рақамлаштириш орқали ижро ҳужжатларининг ижросини тезкор ва самарали таъминлашга эришилишини билдирди. Қонун лойиҳасига фракциядан масъул депутат Жамол Очилов ҳам билдирилган фикрларни қўллаб-қувватлаб, айрим саволларга аниқлик киритди.

Муҳокама якунида овозга қўйилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан билдирилган муносабат ва тақлифларни инобатга олиш шarti

Сенатор сўрови

ЎТТИЗ ЙИЛЛИК МУАММОЛАР ЕЧИМ ТОПАДИМИ?

Шу йилнинг 9 — 11 июль кунлари Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, хотин-қизлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси Озизгул Қозихонова Фарғона вилоятида хизмат сафарига бўлиб, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш масалалари, хотин-қизлар ва ёшлар билан олиб борилаётган ишлар, шунингдек, «маҳалла этилиги» фаолиятини ўрганди. Айни чоғда давлат ва нодавлат ташкилотлари ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини янада жонлантириш орқали ижтимоий барқарорликни таъминлаш масалаларида ҳам ўрганишлар олиб борилди.

Хусусан, вилоятнинг Ўзбекистон туманида аҳоли билан учрашувлар ўтказилиб, долзарб масалалар кўриб чиқилди. Ўрганишлар давомида айрим маҳаллаларда инфра-тузилмага оид муаммолар мавжудлиги аниқланди.

Жумладан, «Кичик Оқмачит» маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилувчи аҳолининг Олмасор кўчаси билан ҳаракатланишини таъминловчи зовур устига қурилган ва аҳоли ўтиши учун мўлжалланган иккита кўприк яроқсиз ҳолатга келиб қолган.

Маълумотларга кўра, ушбу кўприклар 1991 йилда ёғочдан қўлбола тарзда қурилган бўлиб, бугунги кунда улардан 350 дан ортиқ оилалар, жумладан, мактаб ўқувчилари фойдаланади. Аҳоли вакиллари учрашув давомида енгил ва юк автомашиналари ҳаракати учун ҳам замонавий кўприкларга эҳтиёж сезилаётганини билдирди.

Бундан ташқари, Олмасор кўчасида жойлашган 160 та хонадонни электр энергияси билан таъминлаб турган ягона трансформатор ҳам 1991 йилда 100 та хонадон учун мўлжаллаб ўрнатилган. Ҳозирги кунда трансформаторга ортиқча босим тушяётганлиги сабабли электр тармоғида тез-тез узилишлар юз бермоқда, кучлини меъёрдан пастлаб кетмоқда. Бу эса аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётир.

Мазкур муаммолар юзасидан сенатор томонидан Ўзбекистон тумани ҳокими Равшанбек Бегматовга сенатор сўрови юборилди.

Сўровга тумандаги Кичик Оқмачит маҳалласини Олмасор кўчаси билан боғловчи кўприкларни таъмирлаш ҳамда аҳолини электр энергияси билан узуксиз таъминлаш борасида қўрилаётган чора-тадбирлар юзасидан асосланганлигини тушунтириш бериш назарда тутилган.

«Халқ сўзи».

ТИРБАНДЛИКНИ ЙЎҚОТИШ



тартиб-интизом ва қўшимча қулайлик демак

Жамоат транспорти соатдек ишласа...

Аслида, автомобиль тўхташ жойларининг етишмаслиги ҳам тирбандликни кўпайтирмакда. Шу боис йирик шаҳарларда автомобиль эгалари ўз техникасини йўл бўйига қўйишга мажбур бўлмакда. Аксинча, айрим вазирилик ва ҳокимликлар ўз ҳудудларига махсус белгилар қўйдириб, ишхона ҳовлисини тақа-тақ ёпиб олган. Энди бунга чек қўйилади, тақиқловчи белгилар олиб ташланади. Хайдовчиларнинг қоидабузарлик бўйича жавобгарлиги ҳам, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш йўналишидаги тарғибот ишлари ҳам янада кучайтирилади.

Бу бўйича шу йил 9 июль кунги Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселекторда аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ушбу ййгилишда бугунги кундаги энг долзарб муаммо — йўлларда хавфсизликни таъминлаш ва инфратузилмани яхшилаш масалалари ҳам атрофича муҳокама қилинди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, сўнгги йилларда йўл қурилиши ва таъмирлашга 61 трлн. сўм пул ажратилган, онлайн тизим ишга туширилган, йўл ҳаракати хавфсизлиги идорасига келувчилар сони 50 фоизга камайган, 3 минг 365 нафар йўл ҳаракати хавфсизлиги ходимига планшет ва бодикамералар берилган. Шунга қарамай йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳолати, автоҳалокатлар сони кўпайиб бормокда. Ўтган йили 9 минг одам ҳароҳатланган, 2 минг 203 киши ҳалок бўлган. Бу рақам ўртача бир қишлоқ ё бир маҳалла аҳолиси билан тенг. Муаммонинг моҳияти ҳам ана шунда.

Ййгилишда “Хавфсиз йўл” миллий дастури бошланиши маълум қилинди ва шунга мос равишда “Хавфсиз йўл ва хавфсиз пиёда” республика жамғармаси фаолияти қайта ташкил этилаётгани бўлди. Мазкур жамғарма ҳисобига шу йилнинг ўзидакё турли манбалар ҳисобидан 400 млрд. сўм пул тушиши кўзда тутилган. Сен-тябрь ойига қадар пойтахтга 200 та, сўнг яна мингта автобус олиб келинади. Шу тариқа 25 мингта енгил автомашина қатновининг камайишига эришиш мумкин.

Тан олиш керак, аксарият ҳолларда одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш учун яратилган автомобилни беписандлик билан бошқариш фожиага олиб келмокда. Айниқса, йирик шаҳарлардаги ҳолат жуда ташвишли. Йўлўтказгич устидами, катта йўлдами авария содир бўлса, шикастланган техникалар кўндаланг туриб қолади, автомашиналар эгаси ким айбдорлигини аниқлаб, кўчани бўшагунча йўлнинг қатнов қисми кескин тораяди. Минг афсуски, бундай ҳолат пойтахтнинг энг гавжум кўчаларида тез-тез такрорланмокда.

— Агар шаҳарда жамоат транспорти соатдек ишласа, автобусларнинг оралиқ қатнови ҳудди ривожланган давлатлардаги каби бир-икки дақиқадан ошмаса, нима қиламан, шахсий автода юриб, асабини бузиб, — дейди тошкентлик хайдовчи Умид Қурбонов. — Яна бир ачинарли ҳолат. Шахсий автомобильда юрганда воғга етмаган болалар, қизлар миниб олган скутер ва мотоциклларни қуриб юрагим увишадди. Уларда на

давлат рақами, на “каска” бор, на қоидага амал қилади, баъзан светофорнинг қизил чироғида ҳам физиллаб ўтиб кетишади. Уларнинг кўпчилиги ташувчи, шошади, мижозга учиб борсаю ҳақини олиб иккинчи “заказ”га улгурса. Олдингдаги машина тошбақадай имиллаб турган маҳал скутерларнинг аридай зувуллаши асабини баттар бузади. Назаримда, булар том маънода ҳаракат хавфсизлигининг кўпол равишда бузилиши. Уларни ҳам умумий қонун-қоидаларга бўйсундириш вақти келди чоғи.

— Сайёҳлик йўналишидаги бизнесни кенгайтирай деб Испа-

8 минг киши заҳарланиб, шифохонага ётқизилган. Автомобиллар тирбандлиги муттасил ошавериши оқибатида мана шундай ноҳуш ҳолат пойтахтимизда ҳам кузатилаётганига ҳеч ким қафолат беролмайди. Шундоғам ҳаво ифлосланиши, автомобиллардан чиқаётган ис гази сабабли пойтахтимиз аҳолиси ўртасида аллергик хасталиklar, саратон кейинги йилларда кескин ошаётганини статистик рақамлар тасдиқлаб турибди. Бу дарддан, айниқса, болалар жабр кўряпти.

Тирбандликдан “Тез ёрдам” автомашиналарида олиб кетилаётган беморлар кўпроқ азият чекмокда. Хайдовчи буни ҳис эт-

“**Тан олиш керак, аксарият ҳолларда одамларнинг оғирини енгил, узогини яқин қилиш учун яратилган автомобилни беписандлик билан бошқариш фожиага олиб келмокда. Айниқса, йирик шаҳарлардаги ҳолат жуда ташвишли. Йўлўтказгич устидами, катта йўлдами авария содир бўлса, шикастланган техникалар кўндаланг туриб қолади, автомашиналар эгаси ким айбдорлигини аниқлаб, кўчани бўшагунча йўлнинг қатнов қисми кескин тораяди. Минг афсуски, бундай ҳолат пойтахтнинг энг гавжум кўчаларида тез-тез такрорланмокда.**

ниянинг Понтеведра шаҳрида бўлдим, — дейди самарқандлик тadbиркор Ботиржон Салоҳидинов. — Илгари бу шаҳардаги 300 минг квадрат метр ерни автотураргоҳлар эгаллаган ва тирбандликлар туфайли аҳоли ўртасида ўзимизда “дамқисма” дейдиган касаллик тарқаган экан. Маъмурият қатъий чора сифатида шахсий автомобиль эгаларига шаҳарга киришни буткул тақиқлабди. Жамоат транспорти тўлиқ электробусга ўтказилган. Қарангки, тез орада хасталик чекинган. Бугун Понтеведра ҳавосидан нафас олиб тўймайсиз. Ҳар қадамда дарахт, яшиллик, пиёдалар учун турли-туман қулайликлар. Турфа гулларни айтмайсизми? Бизда ҳам лоақал шаҳарнинг ярми шундай қилинса-чи, Тошкентда, Самарқанду Бухорода!

Ҳар қандай янгилик у солиқ тури сифатида тақдим этилса, кўпчиликка ёқмаслиги тайин, аммо вақт ўтиб фойдаси яққол кўринса, бу кескин чорани қўллайдиганлар кўпайиши тайин. Масалан, Стокгольмда тирбандлик учун солиқ жорий этилганда шаҳар маъмуриятининг бу қарорига 10 кишидан 7 нафари қарши чиққан, нега пул тўлашимиз керак, дейишган. Орадан беш йил ўтгач, вазият тубдан ўзгарди. Эндиликда ҳар бир автомобиль эгаси шаҳарнинг зарарланган ҳудудда ҳаракатлангани, тирбандлик ҳосил қилгани учун қўшимча солиқ тўлапти. Албатта, электромоби-ли борлар бундан мустасно.

Кўкка согурилайётган вақт

Тахрибали шифокор-реаниматолог Бурхон Уриновнинг мулоҳазаларига кўра, ҳавонинг кучли ифлосланиши жуда хавфли, оқибати хунук воқеаларга сабабчи бўлади. Бунга ўтмишда мисоллар кўп. 1952 йилнинг ёзида Лондон осмонида пайдо бўлган ифлос ҳаво қатлами туманга қўшилиб пастга тушган ва 4 минг кишининг ёстиғини қурутган. 1970 йили эса Токио шаҳрида ана шундай тўтун оқибатида

қаватли уйлар урчиб бораётган пойтахт учун жуда керак, аммо юқорида тилга олганимиз — тирбандлик, автомобиллардан чиқаётган заҳарли газлар аҳоли-мизни янада оғирлаштирмакда. Пойтахтимизга кунига 1 миллион одам ташириб буюрса, шундан 275 минг нафари Тошкент вилоятидан келади. Шу боис пойтахт жамоат транспортини ягона агломерация тизимига ўтказиш, Тошкент вилоятининг барча тўташ ҳудудларини қамраб олиши жуда муҳим. Бу Президентимиз ўтказган ййгилишда ҳам алоҳида таъкидланди ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган, кенг жамоатчиликка маъқул келди.

Шунга қарамай тирбандлик ҳар кун, ҳар лаҳза ҳаёлимизда айланган. Ижтимоий тармоқларда ёзилганидек, кунига бир миллиондан ортиқ йўловчиларга хизмат қилаётган Тошкент метрополитени мутасаддилари эр-талаб ва кечқурун тирбандлик кучайиб кетаётганини таъкидлаган ҳолда, йирик ишлаб чиқариш ва ўқув муассасаларининг иш ҳамда ўқиш бошланиши вақтларини ўзгартиришни таклиф этмокда. Уларнинг фикрича, бу нафақат метродаги тигизлик, ер устидаги йўллардаги тирбандликни ҳам камайтиради.

Пуллик йўллар ва автотураргоҳлар

Йирик шаҳарларга кириб-чиқиш пуллик бўлса-чи, худди Жанубий Кореядаги сингари? Балки шаҳарга кираверишда кўп қаватли автотураргоҳлар бунёд этилса, одамлар ўз автосини ўша жойда қолдирар, сўнг жуда тез ва тартибли қатнайдиған электробусларда, метроларда ишга, ўқишга ва керакли жойларга бора-роқ? Жамоат транспортининг хизмат кўрсатиш маданияти, тезкорлиги ортса, кўпчилик шаҳар ичидида ўз енгил автомашинасидан фойдаланмай ҳам қўяди. Ёз чиласида совиткичи, юмшоқ ўтиричи ва кўчани бемалол қўриб кетиш имкони бўлган, муҳими, хайдовчи сингари доимий диққат талаб этмайдиған ҳолатда дам олиб манзилга етиш кимга ёқмайди, дейсиз. Ҳаражати ҳам чўнтакка жабр эмас. Қолаверса, шу тариқа йирик шаҳарлар, хусусан, пойтахт ҳавоси ҳозиргидан ўн қарра, юз қарра тозаланади, аҳоли саломатлиги яхшиланади, тирбандлик ҳам камаяди. Бу очиги, ҳозирча орзу, аммо чораси йўқ иш эмас.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўллардаги тирбандликнинг олдини олиш мақсадида 14 мингга яқин пуллик автотураргоҳ қурмокчи. Келгусида эса жами 84 мингта паркинг майдони ташкил этишни ҳам режалаштирмакда.

Маълумотларга кўра, пойтахт ҳокими транспорт инфратузилмасини яхшилашу тирбандликларни камайтиришга, жамоат транспорти ва микромобиллар жозибадорлигини оширишга, хайдов-

чилар ва пиёдалар учун қулайлик яратишга астойдил киришган. Тўхташ жойлари 10 йил муддатга “E-AUKSION” орқали ижарага берилади. Автотураргоҳ нархлари ҳудудга қараб аҳоли учун қулай нархда — 5 минг сўмдан 12 минг сўмгача бўлади. Бундан ташқари, турли соҳа кишилари қўшимча равишда кўп қаватли автотураргоҳларни масжидлар яқинида бунёд этишни таклиф қилишмокда.

Агар кўп қаватли автотураргоҳлар кўпайса, автомашиналарни хавфсиз сақлаш, масжидгами, бозоргами ё ишгами бемалол бориб келиш имкони туғилади. Айримлар автотураргоҳ тўловидан қўчимаи техникасини уч-тўрт кунга шу ерда қолдириши ҳам мумкин. Шундай танли тadbиркорлар ҳам борки, уларга автотураргоҳ қуригн, ундан масжид аҳли ҳам фойдаланади дейилса, йўқ демайди, бугуноқ енг шимариб, ишга киришиб кетади...

Эсдан чиқаёзган «Автомобилсиз кун»

Ҳукумат топшириғига биноан, 2024 йил март ойдан бошлаб ҳар ойнинг тўртинчи чоршанба кунини (агар байрам кунига тўғри келса, пайшанба кунини) Тошкент шаҳрида автомобиллар ҳаракатланишини (жамоат транспортлари, махсус ва шошилинч ёрдам хизматларидан ташқари) қисқартиришга қаратилган “Автомобилсиз кун” деб эълон қилинган эди. Шу ҳужжатда вазирилик ва идоралар, ҳудудий ихро этувчи ҳокимлик органларининг раҳбар ва масъул ходимлари иш жойига жамоат транспортда келиш, намуна кўрсатиши назарда тутилган.

Афсуски, бу хайрли ташаббус бироз унутилди, бунга айрим раҳбарларгина амал қиляпти, холос. Ишхонангиз уйдан узоқда бўлса, марҳамат, велосипеддан фойдаланигн, бу ҳам “Автомобилсиз кун”га мос келади, дегими келаяпти, аммо бу борада ҳам кемтиклик мажбу. Пойтахтнинг каттаю кичик йўллариди велосипедлар йўлагини аксарият ҳолларда учрамайди. Велойўлак бўлмаса, албатта, ҳаракатланиш сизга фақат қўшимча ташвиш туддиради. Шаҳар ҳокимлиги бу ҳақда ҳам йўлаб кўрса ёмон бўлмасди.

Ёки кўп машинали оилалар учун қўшимча солиқ киритиш ҳам тирбандликни камайтиришда мақбул восита бўлиши мумкин. Шунингдек, бугунги “аҳборотлашган жамият”да корхона ва ташкилот ходимларининг бир қисмини масофадан ишлаш режимига ўтказиш қатновнинг камайишига, вақтнинг тежалиши ҳамда атмосферага чиқадиған заҳарли газлар микдорининг сарайишга олиб келади, деган таклифлар айтилмокда. Худди шундай амалиётни банк, молия ва иқтисодиёт каби соҳаларда қўллаб кўриш керакдир, балки.

Албатта, энг мақбул йўл баҳсларда, кўпни кўрган тажрибали кишиларнинг мулоҳазаларида, кузатишларида кўзга яққол ташланади. Қолаверса, муаммонинг ечимини топишда халқ вакиллари саналган депутатлар ҳам ўз таклифлари билан иштирок этса ёмон бўлмайди. Ахир, бу дардга ўзимиз даво топишимиз керак, акс ҳолда фаолиятимиз қийинлашади, ҳаётимиздан мазмун йўқолади. Қисқача айтганда, тирбандлик умуммуаммога айланган экан, унинг чипқон мисоли янада “газак” олишига йўл қўймаслигимиз керак.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ
(«Халқ сўзи»).

Андижон томонларда

«Даладан — дастурхонгача»: сархил маҳсулотлар арзон ва сифатли

Ёз фасли миришқору соҳибкорлар учун тигиз пайт ҳисобланади. Боиси улар томонидан парвариш қилинган мева-сабзавот ва полиз маҳсулотлари бирин-кетин пишиб етилади. Элимиз дастурхонини тўқинлигини таъминлайди.

Андижон вилоятида салкам 3 мингта фермер ҳўжаликлари аъзолари қарийб 100 минг гектар майдонда самарали меҳнат қиляпти. Ҳосилнинг қўғи ҳам шунга яраша, албатта. Махсулотлар, аввало, ички эҳтиёжга йўналтирилмокда. Маҳаллий бозорларда ташкил этилган “Даладан — дастурхонгача” савдо расталари сархил ноз-неъматлар билан тўлган. — Ёз фаслида бу каби маҳсулотлар сифатига тез путур етади, — дейди харидор Рустамжон Абдураулов. — Шу боис тўғри даладан келтирилган мева ва сабзавотларни махсус савдо расталаридан харид қилиш ўринли, деб биламан. Қолаверса, нархлари ҳам бозордагига нисбатан 25 — 30 фоиз арзон.

“Даладан — дастурхонгача” савдо расталари орқали ҳар куни 30 дан ортиқ турдаги 500 тоннагача маҳсулотлар етказиб берилиб, 10 минг нафардан зиёд харидорларга сифатли хизмат кўрсатилмокда.

Янги корхонага тамал топи қўйилди

Балиқчи туманидаги Сарновул маҳалласи бирмунча вақт муқаддам иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан шароити оғир ҳудудлардан саналган. Амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари туфайли бу энди тарихга айланмади бўлди. Энг муҳими, ўзгаришлар аҳоли турмуш шароитига тубдан таъсир кўрсатмокда. Масалан, қурилиши бошланган янги корхона фойдаланишга топширилган, 150 нафар маҳалладошнинг бандлиғи таъминланади.

— 15 млрд. сўмлик лойиҳа асосида барпо этилаётган ушбу корхона мато тўқиш, бўяш ва маҳсулот тайёрлашга иқтисослаштирилади, — дейди туман ҳокимлиги ходими Музаффаржон Каримов. — Ҳозирда қурилиш ишлари давом этмокда. Бунда экологик талабларга тўлиқ жавоб берувчи маҳаллий хомашёлардан фойдаланилапти.

Бугина эмас. Ушбу маҳаллада “Сокин савдо сервис” МЧЖнинг 6 млн. долларлик лойиҳаси асосида паррандачилик фабрикаси ҳам барпо этилмокда. У ишга туширилган, 100 та янги иш ўрни яратилади, бир йилда 2 млн. долларлик сифатли, хавфсиз парранда тўғшти экспорти йўлга қўйилади. Янги лойиҳалар маҳалла аҳли ҳаётини тубдан ўзгартириб юбориши, шубҳасиз.

Электр таъминоти яхшиланади

Булоқбоши туманида аҳолининг куз-қиш мавсумидаги электр энергияси таъминоти билан боғлиқ муаммоларни ижобий ечим топади. Бунинг учун “Булоқбоши” подстанциясида трансформаторларни янгилаш ишлари олиб борилмокда.

— Бу подстанция шу кунгача 2,5 мегавольт-ампер қувватда ишлаётган эди, — дейди “Андижон магистраль электр тармоқлари” АЖ ходими Алижон Раҳимов. — Сўнгги йилларда аҳоли сонининг ошиши натижасида истеъмолчилар эҳтиёжини қондира олмай қолди. Бу эса қуз-қиш мавсумида таъминотдаги узилишларга сабаб бўлаётганди. Эндиликда 16 мегавольт-ампер қувватлидаги янги трансформаторлар ишга туширилмокда. Бу билан 11 400 та хонадон ва 522 та корхона-ташкilotни электр энергияси билан узлуксиз таъминлашга эришилади.

Бундай жараён Андижон вилоятининг бошқа ҳудудларида ҳам давом этмокда. Жумладан, айни пайтда Андижон шаҳридаги “Ёйилма”, Асака туманидаги “Асака”, Ҳўжаобод туманидаги “ЖФК-О” подстанцияларида ҳам таъмирлаш ва бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Бўстон ва Улўғнор туманларида 506 млрд. сўмлик лойиҳа асосида янги подстанциялар қуриляпти.

Аҳолига қулай шароит яратилмокда



Мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида бўлгани каби Шахрихон туманидаги “Ўрта Шахрихон” маҳалла фуқаролар ййғини ҳудудида ҳам кенг бунёдкорлик ишлари олиб борилаётир.

— Маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш борасидаги ишлар авж паллада, — дейди “Андижон сув таъминоти” АЖ бош муҳандиси Ҳумоюнжон Алимов. — Жумладан, 2 та сув қудуги, 1 та сув ййғиш иншооти барпо этилмокда. Шунингдек, оқова сув тизимини жорий қилиш мақсадида 6 км. масофага қувур ётқизилади. Лойиҳа фойдаланишга топширилган, 7 554 та хонадон илк бор марказлашган ичимлик суви таъминотига эга бўлади.

Аҳолига яшаш учун қулай шароит яратиш доирасидаги ушбу лойиҳанинг аҳамияти катта. Зеро, бунинг самарасини минглаб юртдошларимиз ўз ҳаётида ҳис етади.

Саминжон ҲУСАНОВ
(«Халқ сўзи»).

Барқарор ривожланиш ечимлари тармоғи (SDSN) томонидан 2025 йил учун эълон қилинган Барқарор ривожланиш ҳисоботи рейтингига Ўзбекистон ўтган йилдагига нисбатан 19 поғона юқорилаб, 62-ўринни эгаллади.

«АГАР СЕНДАН ТОНАР БЎЛСАМ...»

Ўзбек — озарбайжон халқлари ҳақида ўйлаганимиз заҳоти ким бўлишимиздан қатъи назар, кўз ўнгимизда беихтиёр улуғ Низомий Ганжавий билан Алишер Навоий ҳазратлари ўртасидаги азалий ва ғазалий жондошлик намоён бўлади. Таъбир жоиз бўлса, биз учун ушбу олийжаноб ҳиссиёт завқи табиийга айланган. Яъниким, биз туғишган, қон-қардош, жондош ва томирдош бир халқ, бир миллатдекмиз. Беш юз, олти юз йиллардан буён Навоий бобомизнинг

Эмас осон бу майдон ичра турмоқ, Низомий панжасига панжа урмоқ,

деган ўлмас сатрлари шеърят санъати, назм олами чўққиларининг нақадар юксак эканини, уни ҳар қандай “альпинист” ҳам забт эта олмаслигидан огоҳлантириб туради. Низомий ҳазратларининг муборак номи ва сиймоси бу ўринда мангу узлуқсиз бонг сингари ҳам ҳайратлантиради, ҳам ҳушёр тортиради.

Адабий дўстлик — абадий дўстлик

“Узлуқсиз” деган сўзимизнинг сабаби бор, албатта. Улуғ бобокалонларимиздан бошланиб, ҳануз давом этиб келаётган олтин силсиланинг банд ва занжирлари кўп. Унинг маълум халқа ва ришталари Имомиддин Насимий, Мулла Паноҳ Воқиф ижоди билан ўзбек адабиётининг Бобораҳим Машраб, Муҳаммадризо Огаҳийдек оташин шоирларининг ўтлуг шеъру ғазаллари ила бир-бирига чамбар-час болганиб туради. Фузулий девони кирмаган ўзбек хонадони, ғазалларини ўқимаган, ёд билмаган китобхони йўқ, десак, муболага эмас. Бор гап ҳам шу.

“Умрлар бўладики, тиригида ўлиқдир, Ўлимлар бўладики, ўлган одам тирикдир”, дебон юксак инсоний ғояларни қуйлаган озарбайжон фарзанди, Ганжа тупроғининг ёмби истеъдоди Шайх домла, Мақсуд Шайхзода бутун умр Тошкентда яшаб, ўзбек тилида муҳаддид этган “Чорак аср девони”, “Тошкентнома”сию сермахсул ижоди учун Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби унвонига сазовор бўлган. Темурийзода султон Мирзо Улуғбек ҳазратларининг мушташам назмий сиймосини қойилмақом қилиб, адабиётдан абадиятга айлантирилган Шайх домлага ўзбек халқининг меҳри ва ҳурмат-эҳтироми чексиз.

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан бунёд этилган Адиблар хибёнида Мақсуд Шайхзодага алоҳида ёдгорлик ўрнатилган. Шоир ҳайкали пойида ҳаммиса тоза гуллар барқ уради, теграсида эса ёшлар мушоираси тинмайди. Донишманд шоирларимиз Гафур Ғулом билан Самад Вургун дўстлиги, устоз Эркин Воҳидовнинг Фузулий девонини ёддан айтиб юрганлари, яна бир ардоқли устозимиз Абдулла Ориповнинг Озарбайжон халқи ва адабиётига бўлган муҳаббати, ихлоси бугунги ва келажак авлодлар учун ибрат бўлиб қолаверади.

Абдулла аканинг ўзбек — озар зиёлилари орасида бағоят машҳур бўлиб кетган “Озарбайжон” шеърдан бир иқтибос келтирамиз:

...*Эъзозлаб турибди кўтариб бошга, Бу кун озар эли Ўзбекистонни.*

Сўйласин минг йиллик мўйсифид тарих, Бу дўстлик билганим шубҳа, зуммони?

Ўзбекман, англамай қаяққа бордим, Шу инжа озарий тилин, забони.

ЖАЗИРАМАНИНГ ҲОВУРИ ҚАЧОН БОСИЛАДИ?

Саратон ўз ўрнини асадга бўшатиб бераётган бўлса-да, хали қуёш “жазава”дан тушганича йўқ. Жазирама забтига оляпти. Синоптикларнинг прогнозларига қараганда, бошланган иш ҳафтасида ҳам юқори ҳарорат сақланиб туради. Хафта охирларида ҳарорат 1-2 даража пасайиши кутиляпти, холос.

Иқлим

Асад шамсий йил тақвимига кўра, бешинчи ой бўлиб, 22 июлдан 21 августгача бўлган даврни ўз ичига олади.

Одатда қуёш саратон буржидан асад томон оғиши баробарида, табиатда, об-ҳавода муайян ўзгаришлар рўй беради. Хисобдонларнинг кўп йиллик кузатишларига таяниб айтилса, офтоб тафти пасайиб, ёқимли ва майин шабада эса бошлайди, жазираманинг ҳовури босилади. Ой яхши келган

йиллари ўртача ҳарорат саратондагига нисбатан 2 — 4 даража паст бўлади. Лекин бу йил ундай бўлмаяпти. Нега?

Табиат синчилари ушбу ҳолатни “ой талашуви” дея изоҳлашяпти. Яъни баъзида эски ой янгисига ўрнини бўшатиғиси келмай, ўз ҳукмини ўтказишга тиришар экан. Саратоннинг бу қайсарлигига эса ёз чилласи қувват бераётганга ўхшайди. Ахир чилла 5 августга қадар давом этади-да!

Ҳарорат қандай бўлмасин, бу ой деҳқончиликда энг муҳим, экинлар ўсиб ривожланадиган

занди Акифбей Азалп, яъни “Азарбайжон алпи” Акиф Багиров экан. Минг тасанно айтдик! Ҳайратланарлиси — Акиф муаллимнинг шеърлари соф ўзбек тилида битилган. Бу табиий ҳол эди, боиси биз Акифбейни ўтган асрнинг 70-йиллари охири ва 80-йиллари — талабалик паллаларидан буён яхши биламиз ва ҳурмат қиламиз. Ўша пайтларда у киши яна бир кўркем ва беҳад хушрўй, ўзига ғоят ярашган қора сочлари қалиндан-қалин, қаламқош озар ўғлини Яшар Қосимов билан биргаликда Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎзМУ)нинг ўзбек филологияси факультетида тиришқоқлик ва иштиёқ билан таълим олган. Талабалар шахарчасининг қизгин ва бардавом шеърят кечаларию адабий суҳбатларида бу икки озар йиғити ҳаммиса ҳозирю нозир эди. Акиф оғага қараб, Сергей Есенин ибораси билан айтганда, Александр Пушкиннинг жингалак сочлари навқирон Акифбейнинг қалин ва кўнғироқ-кўнғироқ кокиллари олдида ип эшолмас эди.

Улар шеърятнинг ҳақиқий девонаи мубталоси эди. Ўзимизнинг машҳур шоир акаларимиз Рауф Парфи, Омон Матжон, Усмон Азим, Шавкат Раҳмон, Азим Суюн, Йўлдош Эшбек ва бошқа ижодкор, олимлар билан дўсти қадрдон, ака-ука, ёру ошно бўлиб юришарди. Уларнинг юз-кўзларида, юриш-туришларида риё ва сохталиқлар йўқ, фақат яшншлик ва оқ кўнглилик балқиб турарди. Иш бундоқ бўпти-да!

Ўша кезлар Фузулий ҳазратларининг “Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўланидан сўр...” ғазали, катта санъаткоримиз Тожиддин Муродов ижро этган “Ғам-засин севдинг, кўнгул, жонинг керакмазму санга...” ашуллари янграганда ҳаммамиз сел бўлиб, жүр бўлиб айтар эдик. Бу ҳолатдан озарбайжонлик дўстларимиз беҳад мутаассир бўлиб, ўз меҳрини изҳор этарди.

Яна бир ажабтовор воқеа эсга тушади. Нима бўлди-ю, талабалар шахарчасидаги мушоиралару бахсу талошларда “Ассало-ум алайкум, дорнинг оғочи!...” сатри такрорланадиган бир шеър кўп айланди. “Зар топилса, чўнтага тешик кўпаяди” деганларидек, ҳар ким ҳар хил гап, ҳар хил фикр айтди. Бу сатр, бу шеър муаллифлиги негадир Рауф акага, Рауф Парфига нисбат бериларди. Шўро даври, истибдод ва қабохат замони бўлгани учун бу исёнкор шеър жуда машҳур бўлиб кетди. Хатто баъзи бир хушёр маҳкамаларнинг назарига ҳам тушиб улгурди. Шеърга, унинг муаллифига қизиқиш яна-да кучайиб кетди. Гапнинг индал-лосини айтадиган бўлсак, адабиётшунос олим Зўхриддин Исомиддиновнинг таҳлилий изланишига кўра, ушбу сатрнинг жуғрофий сайру саёҳати Эргаш Жуманбулбул ўғлининг эвараси, таниқли фольклоршунос олим, профессор, талабаликда Акифбей билан бирга ижарада турган Шомирза Турдимовнинг ўз дўстига “Кунтуғмиш” достонини ўқиб берган вақтдан бошланади. Достондан таъсирланган мусофир студент Акифбей “Ассалоум алайкум, дорнинг оғочи” сатри такрорланиб келадиган шеър ёзади-ю, ушбу битик тезда халқ орасига тарқалиб кетади. Кейин Рауф акамиз ҳам шу сатрни таъмин қилиб битган шеърини китобига киритади. Шеърни Акиф Бағирлига бағишлайди. Жуманбулбул бобо “Дорнинг оғочи” деб дунёи дегуни назарда тутган сатр шеърдан шаъна ўтиб, олтиндек

ярақлаб, ҳамманинг кўзини қамаштираверади. Шундай ёмби олтинни адабиётга олиб кирган Жуманбулбул бобога, у кишининг арзанда эвараси Шомирзабойга ва албатта, заргардек нозиктаъб Акиф муаллимга раҳмат!

Биз — икки буюк халқнинг шоир ва адиблари борди-келдилару ижодий ҳамкорликларнинг пилиги пасайган тийра замонларни ҳам бошимиздан ўтказдик. Оламшумул адиб, янги Ўзбекистон замонида ўзбекнинг ўз ёзувчисига айланган Озарбайжон Ёзувчлар бирлигининг раиси Анар муаллимнинг икки халқ адабиёти, бугунги адабий алоқаларнинг янада равнақ топиши йўлидаги ўрни, мавқеа ва мақомю самимий хайрихоҳлиги, айниқса, ибратлидир. Айнан ана шу хизматлари ва бетакрор ижоди боис устоз адиб Президентимиз Фармонига биноан “Дўстлик” ордени билан тақдирланди. Бу барчамизга ўзгача фахр ва ифтихор бағишлайди.

Алишер Навоийнинг “Хамса” достонлари, Заҳириддин Мўхаммад Бобурнинг “Бобурнома” асарини озарбайжон тилига таржима қилган заҳматкаш олим ва таржомон Рамиз Аскар, мумтоз адабиётимиз намоёндалари ижоди бўйича илмий рисоалар ёзган олима Алмас Улвий, янги ўзбек шеърятини дарғалари ҳақида тадқиқотлар олиб борган Яшар Қосим ва яна кўплаб озарбайжон ижодкорлари номларини эҳтиром билан тилга оламиз. Кейинги даврда мумтоз ва замонавий ўзбек адибларининг асарларидан кўплаб намуналар озарбайжон тилида нашр этилгани ҳаммага маълум.

Не бахтким, менинг ҳам “Вақт ҳайкали” номли шеърлар китобим инжа озарий тилда Акиф Азалп таржимасида Боқуда нашр этилганидан беҳад миннатдорман.

Озарбайжонлик қадрли дўстларимиз қаторида Шайхзода домланинг садоқатли вориси сифатида Акиф Азалпнинг алоҳида ўрни бор, албатта. Ўзбек ўқувчиларига тақдим қилинган “Сайланма” шеърлар тўплами озарбайжон шоирининг соф ўзбек тилида битилган асарларидан таркиб топган назмий гулдастадир. Ушбу тўпламни ўқийдиган китобхон чинакамига ҳайратланиши табиий. Меҳру оқибат, эзгулик ва бағри-кентлик, тинчлик ва хотиржамлик сув ва ҳаводек нихоятда зарур бўлган — бир томони ёнгин, бир томони тошқин ушбу тақчил дунёда китоб ёзмок, китоб чиқармок ва китоб ўқимок, айниқса, китоб совға қилмок нақадар умуминсоний аҳамиятга эгаллигини англаб етмок ҳам шу қадарли шарафлидир. Бир-биримизга китоб туҳфа қилишда давом этаверайлик.

Озар халқининг дондгор шоири Самад Вургун бир замонлар “Агар сендан тонар бўлсам, насибам оғу зор ўлсун!...” дебон назмий қасамёд этганларидек, қондош, дилдош ва тилдош дўстандан ҳеч қачон тоғни бўлмайди.

Замон шамолларидай беором ва беҳаловат ижодкор Акиф Азалпга янги ўзбекча сайланма муборак бўлсин!

Худойим элларимизга бахту саодат, тинчлик-омонлик, умрингизга барака берсин, қадрли Акифбей!

Сирождидин САЙИЙД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Кўйчивонлар кўзиларни яна бир бор саралайди, пайт бўлди дегунча жун қирқиш мавсумини бошлайдилар. Негаки, қирққимнинг кечикиши чорвага зарар. Бунини чўпонлар орасида қорадиган қуйидаги мақолдан ҳам англаш мумкин: “Кўй керак бўлса асадда, жун керак бўлса сўмбулада қирққимни ўтказ”.

Асад ойида табиатда ҳам турли ўзгаришлар содир бўлади. Миробларнинг айтишича, ердан сув тортилади. Хатто ер ости сувлари ҳам пасайиб, чашмалар суви камаяди. Дарёларда эса обиҳаёт аксинча кўпаяди. Қушлар бирин-кетин иссиқ мамлакатларга учиб кета бошлайди.

Кўп йиллик кузатишларга қараганда, асад чиқишидан бир неча кун олдин қучли шамол эсиб, ёмғир ёғар экан. Бу деҳқону чорвадорлар учун бамисоли бонг бўлиб, қиш ғамини ёзда ёниш кераклигини ёдга солиб қўяди. Илло, исий-исий ёз бўлганидек, совий-совий зумда қиш келиши эса табиатнинг азалий ҳодисасидир.

Демак, бугунги иссиқ кунлар ҳам ганимат. Ҳадемай, жазираманинг ҳовури ҳам босилади...

«Халқ сўзи».



Универсиада ўйинларидаги муваффақиятли одимлар

Шу кунларда Германиянинг Рейн-Рур минтақасида талабалар ўртасидаги ёзги универсиада мусобақалари ўтказилмоқда. Ҳар икки йилда ташкил қилинадиган ушбу турнирда жаҳоннинг 160 га яқин мамлакатларидан 8 мингдан зиёд спортчилар голиблик учун кураш олиб борапти.



Универсиада бахсларида Ўзбекистон талаба-спортчиларидан иборат делегация ҳам иштирок этиб, совринли ўринларни эгаллаб келмоқда. Айниқса, бадий гимнастиканинг Тахмина Икромованинг 4 та — иккитадан олтин ва кумуш медалларни ютиб олгани мусобақанинг қутилимаган натижаси бўлди.

Хамюртимиз дастлабки кумуш медални кўпкураш дастурида қўлга киритди. Шундан сўнг яқкалик бахсларнинг халқа йўналишида 29,850 балл билан универсиада ўйинлари чемпиони-га айланди. “Париж — 2024” Олимпиадаси иштирокчиси бўлган вакиламиз булада бахсларида ҳам муваффақиятли катнашиб, 27,900 балл билан кумуш медалга сазовор бўлди. У зафарли одимларини давом эттириб, тасмадаги дастурда энг юқори баллни

жамғарди ҳамда делегациямизга универсиаданинг иккинчи олтин медалини тақдим қилди.

Шунингдек, сузиш бахсларида яна бир вакилимиз Элдорбек Усмонов 50 метрга баттерфляй усулида кечган мусобақада маррага иккинчи бўлиб етиб келди ва кумуш медаль билан тақдирланди.

Таэквондочиларимиз Шамсиддин Қурбонов ва Мадина Мирабзалова ҳам турнирдаги иштирокини муваффақиятли яқунлаб, бронза медали соҳиби бўлди.

Вакилларимизнинг турнир доирасидаги медаллари сони ҳозирча 9 тани ташкил қилмоқда — 2 та олтин, 4 та кумуш ва 3 та бронза. Бу билан Ўзбекистон медаллар жамғариш рейтингига Украина билан биргаликда еттинчи ўринни эгаллаб турибди.

Аббосбек Файзуллаев Туркия жамоасига ўтди

Ўзбекистон миллий терма жамоаси ва Москванинг “ЦСКА” жамоаси футболчиси Аббосбек Файзуллаев фаолиятини Туркия чемпионатида давом эттиради. У Истанбулнинг “Башакшехир” клуби билан шартнома имзолади.



Аббосбек янги жамоасида 11-рақам остида ҳаракат қилади. Маълумотларга кўра, унинг трансфери учун турк жамоаси “ЦСКА”га 7,5 миллион евро тўлаган. 21 ёшли Файзуллаев ўтган мавсум барча мусобақада 39 та ўйинда майдонга тушиб, 3 та гол урди ва 8 та голини узатма амалга оширган эди. “Transfermarkt” портали футболчининг бозор нарҳини 8 миллион еврога ба-

холаган. Иқтидорли тўптепар Россиядаги фаолияти давомида мамлакат кубогини ва суперкубок соҳиби бўлди, 2024/2025 йилги чемпионат якунида бронза медали билан тақдирланди.

Шунингдек, яна бир маҳоратли футболчимиз — “Бунёдор” яриҳимоячиси Одил Ҳамробеков Эроннинг “Трактор” клуби билан 2 йиллик келишув имзолади. 29 ёшли Одил учун Табриз шаҳри жамоаси футболчининг “қалдирғочлар” билан тузган шартномаси 2026 йил якунига қадар мўлжаллангани сабабли “Бунёдор”га трансфер учун 500 минг евро тўлаган.

Суннатилла ИСЛОМОВ
(«Халқ сўзи»).

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, “Жадид” газетаси бош муҳаррири Иқбол Мирзо (Иқболжон Мирзаалиев)га онаси

Мўътабархон МИРЗААЛИЕВанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Германия халқаро ҳамкорлик жамиятининг «Ўзбекистонда давлат бошқаруви салоҳиятини оширишга қўмаклашиш» лойиҳаси доирасида «Раҳбар аёллар мактаби» дастури иштирокчилари учун Латвияда стажировка ташкил этилди.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 742. 11 875 нусxada босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қозғош бичими А—2. Баҳоcи келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона 71-259-74-51; котибхона 71-259-74-53; эълонлар 71-259-74-87.

Газетанинг ҳақиқат маълумотларини оқибат олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-4784

712597451

Тахририятга келган кўлаблар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфия ҳиждатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:

100066, Тошкент шаҳри, Ислон Каримов кўчаси, 55-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бозоров.

Мусахҳиш — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:

Буюк Турон кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 23.45 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6

4